# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 28 август, № 168 (5842) Чоршанба


# «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЖАҲОНГА ТАРАЛМОҚДА

## Кеча қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди.



*Истиқлолнинг 22 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилаётган мана шу муаззам кунларда афсонавий Самарқандда улкан санъат байрами — “Шарқ тароналари” тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди. Биласиз, 1997 йилнинг баҳорида Юртбошимиз томонидан “Шарқ тароналари” фестивалини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Ўшандан бери ҳар икки йилда ташкиллаштириб келинаётган мазкур анжуман бугунги кунда жаҳон санъат аҳлининг энг севимли фестивалларидан бирига айландики, бу ҳар биримизга чексиз ифтихор бағишлайди.*

Фестивалга нафақат Самарқанд шаҳрида, балки вилоятнинг ҳар бир тумани, қишлоқлари ва маҳаллаларида пухта тараддуд кўрилди. Кенг миқёсда қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Шарқ халқларининг миллий мусиқа ҳамда қўшиқчилик санъати ноёб намуналарини асраш, тарғиб этиш ва ривожлантириш, шу асосда халқлар ўртасида маданий-маърифий алоқаларни янада мустаҳкамлашда мустақиллик йилларида қиёфаси тубдан ўзгарган, ўтмиши ва бугуни уйғунлашган, обод, фаровон, гўзал гўшага айланган Самарқандда ўтказилаётган “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалининг аҳамияти беқиёс. Шу боис унинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни фестивалга дунёнинг эллик икки мамлакатидан меҳмонлар келганидан ҳам яққол англаш мумкин.

Мусиқа фестивалининг асосий тадбирлари ўтадиган Регистон майдони, Амир Темур хиёбони, “Мўъжиза” амфитеатри байрамона безатилди. Ушбу ҳудудларда қисқа вақт ичида тўрт минг тупдан зиёд турли анвойи гуллар экилди. Шунингдек, қадим кентнинг кўп қаватли бинолари, марказий кўча ва хиёбонларга мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллигини акс эттирувчи улкан билбордлар, анжуман эмблемаси туширилган баннер ва паннолар, плакатлару рангли чироқлар ўрнатилди.

“Самарқанд” халқаро аэропорти ҳамда темир йўл вокзалига Ўзбекистон, Самарқанд, “Шарқ тароналари” ҳақида ўзбек, рус, инглиз тилларида ахборот берувчи махсус электрон таблолар қўйилди. Қисқача айтганда, қадимий шаҳар қутлуғ байрамлар шарофати билан янада кўркам, гўзал ва бетакрор қиёфа касб этди.

Ҳар доим фестивалга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар Самарқанднинг Регистонини ёки бошқа тарихий обидаларини томоша қилиб, ҳайратланган бўлишса, эндиликда Истиқлол туфайли яшариб, яшнаётган шаҳарнинг обод ва кўркам кўчаларини, гулзору манзарали дарахтларга бурканган хиёбонларини, замонавий тураржойларни кўриб, янада ёрқин таассуротларга эга бўлишмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур анжуман Самарқанднинг жаҳон миқёсидаги нуфузига нуфуз қўшмоқда. Осориатиқалари билан дунё аҳли тилига тушган, дилига ўрнашган Самарқанднинг бой қадимий маданияти ҳам мустақиллик йилларида бўй кўрсатмоқда. Шу боис ушбу мусиқа анжумани қалбларимизга қувонч ва шодлик бағишлаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ТЎҚҚИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳрида, мана шу муҳташам Регистон майдонида тўпланиб турган сиз, азиз “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларини қутлашга, барча-барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бугунги мусиқа ва санъат форумида қатнашаётган юксак мартабали меҳмонларимизга — ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова хонимга, Халқаро маданият ва санъат уюшмаси бош котиби Куо Ли Мин хонимга, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилоти бош котиби жаноб Мун Хюнг Сукка, Осиё халқаро санъат фестиваллари уюшмаси раиси жаноб Чен Шенглайга, Корея Республикаси Президентининг маданият ва санъат сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси жаноб Хюнг Ван Ли ва бошқа қадрли дўстларимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва ташаккуримни изҳор этаман.

Фестивалимизда халқаро миқёсда кенг танилган машҳур мусиқа арбоблари — Марокашдаги “Тимитар” халқаро мусиқа фестивали раҳбари жаноб Брахим Эл Мазнед, Япон мусиқа ассоциацияси президенти жаноб Кавасе Тадасуке, шунингдек, Афғонистон ахборот ва маданият вазири жаноб доктор Саид Маҳдум Рахин, Куала-Лумпур шаҳри мэри жаноб Датук Аҳмад Фейсал Толиб қатнашаётгани бизнинг анжуманимизга алоҳида эътироф ва нуфуз бағишлайди.

Халқаро фестивалимизда яна бир ҳурматли меҳмонимиз — Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг аъзоси, таниқли сиёсатчи жаноб Жеймс Патрик Моранниннг иштирок этаётгани барчамизга катта мамнуният етказади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун мусиқа байрамимизда ҳозир бўлган хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва вакилларини қутлашни истардим.

Бугун биз жаҳоннинг 52 та давлатидан келган сиз, азиз меҳмонларимизни шарқона эҳтиром билан “Хуш келибсиз азим Самарқанд заминига, хуш келибсиз меҳмондўст Ўзбекистонимизга!” деб кутиб оламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун биз “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини юртимизда тўққизинчи бор ўтказмоқдамиз. Ҳар сафар навбатдаги фестивални ўтказар эканмиз, мазкур анжуманни дунёнинг энг кўҳна шаҳарларидан бири бўлган Самарқандда ўтказиш ҳақида ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган қароримиз нақадар тўғри бўлганига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Асрлар давомида умумбашарий маданият ва цивилизация марказларидан бири бўлиб келаётган, афсонавий Шарқ тимсоли, ўзининг етти иқлимга машҳур меъморий обидалари, буюк салоҳияти, гўзал ва сўлим табиати билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этадиган бу тарихий шаҳар энг юксак халқаро анжуманларни ўзида қабул қилишга ҳар томонлама муносибдир.

Бундай улуғвор ва табаррук шаҳарнинг юраги бўлмиш, Регистон деб ном олган, дунёда кам учрайдиган бу муҳташам саҳна, ҳеч шубҳасиз, миллий мумтоз тароналарга янгича, бетакрор гўзаллик ва нафосат бахш этади, минг-минглаб санъат мухлислари хотирасида ўчмас из қолдиради.

Айнан Самарқанд заминида пойдевор қўйилган “Шарқ тароналари” фестивалининг ўз олдига қўйган ғоя ва мақсадларини қисқача ифода қиладиган бўлсак, улар аввалабор мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларни мусиқа орқали тараннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакилларини **ҳеч қандай таржимонсиз** бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Биз барчамиз сизларнинг тимсолингизда ана шундай буюк ва бебаҳо маънавий бойликни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида беғараз хизмат қилаётган, Шарқнинг мумтоз санъатини янги-янги ёш авлодларга безавол етказиб келаётган фидойи инсонларни, моҳир санъат усталари ва устозларини кўрамиз.

Шу маънода, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва ўта мураккаб бир замонда халқларни бир-бирига ўзаро яқинлаштириш, муштарак илдизларни бир-бирига пайванд этишда, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида мусиқа санъатининг беқиёс кучи ва таъсирини намоён этишда “Шарқ тароналари” каби фестивалларнинг аҳамиятини ўлчаш ва қиёслаш қийин, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Айни мана шундай олижаноб мақсадларни ўз зиммасига олган, турли-турли минтақа ва мамлакатлардан келган сиз, ҳурматли маданият вакилларини азиз меҳмонларимиз сифатида қабул қиламиз, сизга берилган истеъдод ва талант олдида таъзим қиламиз.

Азиз фестиваль иштирокчилари!

Тобора улкан обрў ва эътибор топиб бораётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа анжуманини юксак даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўриш ва керакли имкониятларни туғдириш албатта ташкилотчилардан, аввало Самарқанд аҳлидан катта масъулият талаб этишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айни шундай тайёргарлик ишларида жонбозлик кўрсатган, ўзининг меҳмондўстлиги, ажойиб фазилатлари билан дунёда ном қозонган Самарқанд аҳлига барчангизнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан самимий миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, шу азим шаҳарда туғилиб ўсган, вояга етган инсон сифатида мен учун доимо азиз ва қадрдон бўлган Самарқанд халқига, кексаю ёш барча ҳурматли ҳамюртларимга фарзандлик меҳрим ва садоқатимни яна бир бор изҳор этиш менга чексиз хурсандчилик ва баланд руҳ бағишлайди.

Азиз юртдошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни бағримга босиб, бугунги гўзал байрам билан — “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг очилиши билан яна бир бор табриклайман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, анжуман ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## 28 август — «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилган кун



*Ватанпарварлик — олий фазилат. Қалбида юртпарварлик, элпарварлик каби хислатлар жўш урган киши ҳар доим элим деб, юртим деб ёниб яшайди. Бошқаларни ҳам яратувчанликка, ташаббускорликка ундайди. Зеро, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устувор қўядиган, толеини Ватан тақдири, халқ тақдири билан боғлайдиган кишилар ҳамиша эъзозу ҳурматга, рағбату мукофотга лойиқдир.*



# Ифтихор, эъзоз ва эътироф ифодаси

Бугун мамлакатимизда фидокорона меҳнатлари билан юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бундай инсонлар кўп. Уларнинг саъй-ҳаракати ва фидойилиги туфайли мамлакатимиз нуфузи, обрў-эътибори тобора юксалиб бораяпти.

Айни пайтда барчамиз энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги айёмини катта ҳаяжон билан кутиб олаяпмиз. Ана шундай қутлуғ дамда яна бир муҳим санани нишонлаймизки, у ҳар бир юртдошимиз қалбида ўзгача фахр-ифтихор туйғуларини янада жўш урдиради. Бундан роппа-роса ўн беш йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган “Эл-юрт ҳурмати” ордени ва “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони Ватанимизнинг ана шундай юксак мукофотларидандир.

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мамлакатимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат ишлари, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган мамлакатимиз фуқаролари тақдирланади. Шунингдек, орден Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА

## Жорж КРОЛ:

# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ СИФАТИДА УЛКАН ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж КРОЛ билан суҳбатлашди.*

— Ўзбекистон ўтган йигирма икки йил ичида мустақил давлат сифатида улкан ишларни амалга оширди, — деди Ж. Крол. — Мамлакатингизда иқтисодий барқарорликка эришилиб, инфратузилма тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистонда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, хавфсизликни таъминлаш, буюк истиқбол пойдеворини қуриш учун билимдон ва замонавий кадрлар тайёрлаш каби кўплаб самарали ишлар амалга оширилди.

АҚШ элчихонаси Ўзбекистон тараққиёти йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида, жумладан, инглиз тилини ўргатиш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилаётганидан ғоят мамнунман.

(Давоми 2-бетда).

# «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЖАҲОНГА ТАРАЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Самарқанд. Регистон майдони. 27 август, соат 19.00.

Регистон майдонидаги улкан амфитеатр анъанавий “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимига келган меҳмонлар билан гавжум. Улар орасида фестиваль қатнашчилари, санъат намояндалари, мусиқашунослар, журналистлар, сайёҳлар бор.

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюради.

Анжуман аҳли Юртбошимизни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Сўз Президент Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини қутлар экан, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бугунги кунда нуфузи жиҳатидан дунёда ўтказиладиган мусиқа байрамлари ичида ўзига хос ўрин тутишини, бу танловда эзгулик улуғланиб, инсонийлик, меҳр-оқибат, муҳаббат тараннум этилишини, жаҳон халқлари мусиқалари, жумладан, ўзбек мусиқасининг мўъжизавий дунёси намоён бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова маросимда сўзга чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказишда кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ЮНЕСКО ташкилоти номидан миннатдорлик изҳор қилди.

Регистон узра карнай-сурнай, ноғора садолари таралади. Муҳташам саҳнага фестиваль қатнашчилари чиқиб келади.

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали миллати, тили, дини, иркидан қатъи назар, бутун дунё санъаткорларининг ўзаро ижодий суҳбат қуришига, биргаликда куйлашига имкон яратмоқда. Қолаверса, Шарқ халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш, анъаналарни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбида чинакам санъатга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотишга хизмат қилмоқда. Бинобарин, фестиваль ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлар доирасига киритилган, сиёсий-маънавий аҳамиятга эга юксак анжуман ҳисобланади.

Фестивалнинг яна бир ўзига хос ва аҳамиятли томони шундаки, унда янги номлар кашф этилиб, иқтидорлилар сараланади, асл санъат қадрланади, эъзозланади.



Анжуманда ҳар бир мамлакатдан келган иштирокчи ўз халқининг миллий қўшиғини куйлайди. Энг яхши миллий қўшиқ ижрочилари танлов ғолиби бўлишади. Фестиваль кунлари, шунингдек, Шарқ халқаро мусиқий маданиятини ўрганишга бағишланган семинарлар ўтказилади.

...“Шарқ тароналари” халқаро мусиқий фестивали очилишига бағишланган тантаналарда театрлаштирилган томошалар намойиш қилиниб, мумтоз мусиқалар, миллий куй-қўшиқлар янграйди, жозибали рақслар ижро этилади. Дўстлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик каби ғоялар улуғланади. Она Ватан, бахтли замонага шукроналик тараннум этилади. Айниқса, юртимиздаги санъат усталарининг дилтортар куй-қўшиқлари томошабинлар қалбига завқ улашади.

Регистон майдони узра янграган карнай ва сурнай садолари, шарқона оҳанглар иштирокчилару меҳмонларнинг дилини хушнуд айлайди. Барча-барча кўтаринки кайфият, катта қувонч оғушида хониш ва рақсларга жўр бўлади. Бундай завқу шавқ эса бизни “Мангу жаранглайвер, “Шарқ тароналари”, деган эзгу истакни бaралла айтишга ундайди.



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Инглиз тили жуда универсал тилдир. Бу тилни ўзлаштириш Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада кенгайтириш ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

*— Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз? Сармоявий ва савдо-иқтисодий йўналишдаги ҳамкорлик борасида эришилган келишувлар ижроси тўғрисидаги фикрингиз? Истиқболда давлатларимиз яна қайси соҳаларда ўзаро алоқаларни янада фаоллаштириши мумкин, деб ўйлайсиз?*

— Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўтган йигирма бир йил мобайнида мамлакатларимиз ҳамкорлиги барча соҳаларда, жумладан, таълим, савдо-иқтисодий, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, минтақавий хавфсизлик ва маданият каби жабҳаларда изчил кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Вашингтон ва Тошкентда ўтказилаётган музокаралар, хусусан, ҳар йили ўтадиган икки томонлама маслаҳатлашувлар орқали ўзаро муносабатларнинг барча масалаларини қамраб оладиган очиқ ва дўстона муҳокамага тенг ҳуқуқли шерикларни жалб қиламиз.

Биз Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ривожлантириш ва диверсификация қилиш, хорижий сармоя жалб қилиш учун янада қулай муҳит яратиш ҳамда минтақавий савдо ва тижоратни ривожлантириш учун мавжуд улкан салоҳиятни ишга солиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида ҳам улкан салоҳиятга эга. АҚШ элчихонаси Тошкентдаги Америка савдо палатаси билан ҳамкорликда мамлакатингиз билан мустаҳкам иқтисодий ва савдо алоқаларига эга «General Motors», «Boeing» ва «Nukem» каби АҚШ компаниялари билан бир қаторда Ўзбекистонга сармоя киритишга катта қизиқиш билдираётган бошқа компанияларга ҳам ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ўзаро алоқаларимиз узоқ йиллар давомида янада ривожланиб бораверишига қатъий ишонаман. Мен таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликнинг кенгайиши ва такомиллашишини истардим. Зотан, бу йўл орқали мамлакатларимиз фуқаролари бир-бирлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиши мумкин. Фан ва технология ҳам ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг истиқболли йўналишларидандир.

## Жорж КРОЛ:
# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ СИФАТИДА УЛКАН ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ

*— Ўзбекистоннинг Президент Ислом Каримов раҳнамолигида минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишлари ва ташаббуслари ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.*

— АҚШ ва Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик мустаҳкамланишидан ва минтақанинг янада равнақ топишидан бирдек манфаатдор. Биз Ўзбекистон раҳбарияти ва фуқаролик жамияти вакиллари томонидан минтақавий барқарорликни таъминлаш, терроризм, гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган дастурларни қўллаб-қувватлаётганимиздан фахрланамиз. Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссасини, хусусан, Афғонистонга кўрсатаётган доимий кўмагини юксак қадрлаймиз. Минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган ишлар ва ташаббуслар борасида Ўзбекистон билан кенг кўламда ҳамкорликни изчил давом эттираверамиз. Америка Қўшма Штатлари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга ҳам бефарқ эмаслигини билдиради ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида минтақада сув ва энергияни бошқариш борасидаги мулоқот мазкур муаммога барҳам беришига ишонади.

*— Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг аҳамияти тўғрисида фикрингизни билмоқчи эдик. Бу йилги фестивалда АҚШдан қайси санъаткорлар иштирок этади?*

— “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида бу йил ўзим ҳам иштирок этиш шарафига муяссар бўлаётганимдан жуда мамнунман. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу халқаро фестиваль ғоят ноёб форумдир. Унда миллий, фольклор ва замонавий мусиқа байрамини нишонлаш учун сайёрамизнинг барча минтақаларидан санъаткорлар иштирок этади. Бу ўзига хос санъат байрами турли халқлар ўртасида маданий алоқаларни ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Фестивалда америкалик дўмбирачи Кеннет Дункан қатнашади. «Cedar Hill Refugees» гуруҳи «bluegrass» йўналиши ва миллий ўзбек мусиқасини уйғунлаштирган ҳолда ўз ижро намуналарини намойиш этади. Биз қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда ўтаётган мазкур ажойиб фестивалда америкалик санъаткорларнинг иштирок этаётганидан жуда мамнунмиз.

*— Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2013 йил Ўзбекистонда Обод турмуш йили, деб эълон қилинди. Бу ташаббуснинг аҳамияти ва самаралари ҳақидаги фикрларингизни билдирсангиз.*

— Ўзбекистон раҳбарининг инфратузилма объектлари, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини янада ривожлантириш йўлида амалга ошираётган ташаббуслари жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундай залворли масалаларни бир кунда ҳал этиб бўлмайди, балки кўп йиллик меҳнатни талаб қилади. АҚШ ўз давлат мустақиллигининг дастлабки даврида фуқароларнинг эркинлигини ва хавфсизлигини кафолатлаш учун узоқ йиллар тер тўккан. Ўзбекистонда ҳам ана шу мақсадда, яъни халқингиз фаровонлигини янада ошириш учун изчил ишлар амалга оширилиб, фидокорона меҳнат қилинаётгани қувонарли. Бу — мураккаб вазифа, ҳар икки давлат ҳам ушбу хайрли мақсадларга эришиш учун бор куч-ғайратини аямайди.

**ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.**

---

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Ўзбекистонда Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий давлатчилик тарихи, халқимизнинг урф-одатлари ва азалий қадриятларига таянилган ҳолда, суверен демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик мақсад сифатида белгилаб олинди. Ўтган йигирма икки йил мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган улуғвор ислоҳотлар самараси туфайли бугун дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқдамиз. Юртимиздаги тинч-тотув ҳаёт, фаровон турмушни таъминлаш йўлидаги бунёдкорлик, мустақил юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонунчилик кафолатлари, энг асосийси, тараққиётнинг “ўзбек модели”га асосланган йўлимиздан оғишмай, қатъият билан, дадил одимлаётганимиз эришаётган салмоқли ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда.*

# КЎП ПАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

## демократик ислоҳотларнинг муҳим омили

Онгу тафаккуримизда ҳам мутлақо янгича дунёқарашни шакллантирган истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва қадрини ватандошларимиз бугун янада теранроқ идрок этмоқдалар.

Ҳозирги кунда ривожланган ва тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлатда демократияни кўп партиявийлик тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода, мамлакатимизда ушбу институт шаклланиши ва ривожланишида энг муҳим омил сифатида халқимиз қўлга киритган мустақилликни эътироф этишимиз жоиздир.

Жамиятда кўп партиявийликнинг мавжудлиги, бу — сиёсий институтлар, мафкуралар ҳамда фикрлар хилма-хиллиги демакдир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади”, деб белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас. Ёки 34-моддада Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, 60-моддада сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалашлари ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақидаги нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани сиёсий партияларга фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида қаралиб, улар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берилганидан далолатдир.

Мамлакатимизда кўп партиявийлик тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ҳамда вазифаларини амалга оширишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий база ва кенг имкониятлар яратилди. Бинобарин, республикамизда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини босқичма-босқич кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар изчил ривожлантириб борилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги (1996 йил) Қонуни кучга кирди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида янада фаол қатнашишини таъминлаш мақсадида уларнинг мамлакат парламенти сайловларида иштирок этишларининг ҳуқуқий асослари тубдан қайта кўриб чиқилди. Демократик сайловларнинг дунё талабларига жавоб берадиган тизими яратилиб, сиёсий партияларнинг уларда қатнашиши учун барча зарур имкониятлар яратилди. 2004 йилда қабул қилинган “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун партияларнинг молиявий мустақиллигини, иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг зарур ҳуқуқий асосларини яратди.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилиниб, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат билан аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширишда уларнинг хоҳиш-иродасини янада кенгроқ рўёбга чиқариш борасида партияларга катта имконият ҳамда ҳуқуқлар берилди. Бугунги кунда сиёсий партиялар жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида самарали фаолият юритиб келмоқда. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани билан эътиборлидир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғояларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан кўрсатилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ҳамда муҳокама қилиш каби ҳуқуқлар ҳам сиёсий партиялар фракцияларига берилди.

Мазкур иккита институтнинг жорий этилиши мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериш билан бир қаторда, жамоат ташкилоти ҳисобланган, лекин ўзининг функцияси, мақсад ва вазифасига кўра, жамият сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи сиёсий партияларга юксак ишонч ва шу билан бирга, катта масъулият юклайди.

Таъкидлаш лозимки, демократик жараёнларни сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда босқичма-босқич энг илғор демократик талабларга мос сайлов тизими яратилиб, унинг механизмлари тубдан янгиланди. Сайлов тизимининг асосий субъектлари ҳисобланган сиёсий партияларнинг ваколатлари тизимли равишда кенгайтириб борилмоқда.

Ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари қонунчилик ташаббуси асосида тайёрлаган “Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунда сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳияти очиб берилди. Ташвиқотни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари, муддатидан олдин овоз беришнинг тартиб-таомиллари, қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди.

Албатта, ҳар бир сиёсий партия ўз электоратининг ҳуқуқ ва манфаатларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари орқали илгари суради. Шу маънода, кейинги вақтларда парламент қуйи палатасида фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги соғлом рақобат, ғоялар кураши кучайиб бормоқда. Бу, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига, очиқ демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга, мамлакатимизнинг замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлашга, ҳаётимиз сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимизга хизмат қилувчи муҳим қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда қабул қилишда яққол намоён бўлмоқда.

Сиёсий партияларга берилаётган қонуний ҳуқуқ ва ваколатларнинг замон талабларига қараб кенгайиб бораётгани ҳам миллий қонунчилигимиз ривожига сезиларли ҳисса қўшмоқда. Хусусан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияларининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Унда, энг аввало, партия депутатлик гуруҳларини ташкил этиш шартлари ва тартиби аниқ белгиланмоқда. Яъни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳларини ташкил этиш учун зарур бўлган депутатлар сонининг энг кам миқдори беш нафардан иборат бўлиши ҳақидаги норма киритилиши таклиф қилинмоқда. Шунингдек, тегишли вакиллик органи комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, муайян ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш бўйича қўшимча ваколатларнинг берилаётгани маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг фаолиятини янада кучайтиради. Партия гуруҳларининг тегишли ҳокимият вакиллик органларига киритилаётган масалалар бўйича таклифлари кўриб чиқилиши шартлигини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш ва бу ҳақдаги қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирдагина қабул қилиниши зарурлиги ҳақидаги янги норма ҳам қонун лойиҳасида кўзда тутилмоқда.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишда сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириши билан долзарбдир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, эришилган бундай марралар — барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос. Бинобарин, биз учун жонажон Ватанимизнинг миллий манфаатлари ҳар нарсадан устун экан, бу йўлда бир ёқадан бош чиқариб, ҳамфикрлик ҳамда ҳамжиҳатликда изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширсак, кўзлаган дастурий ва стратегик мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

**У. МУҲАММАДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

# Ифтихор, эъзоз ва эътироф ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йиллар давомида ўнлаб юртдошларимиз ана шу юксак мукофотга сазовор бўлдилар. Улар сафи турли соҳаларда меҳнат қилаётган ватандошларимиз ҳисобига йилдан-йилга кенгайиб бораётгани инсон меҳнатини муносиб баҳолашга, қадр-қимматини юксалтиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалий ифодасидир.

Истиқлол йилларида юртимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда.

Бу борада ташкил этилиб келинаётган кўплаб спорт мусобақалари, фестиваллар ўғил-қизлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи, уларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи беқиёс куч сифатида йилдан-йилга шаклланиб бормоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларимиз маънавий етук, зукко ва билимдон, спорт майдонларида чиниққан, мард фарзандлар бўлиб камолга етишлари керак. Зотан, олдимизга қўйилган буюк мақсадларга эришишда ёш авлодга яратилаётган имкониятлар катта аҳамият касб этади.

Кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эътибор самараси ўлароқ, ёшларимиз халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида улкан ғалабаларга эришиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Шундай спортчи ёшларимиз жасоратини муносиб тақдирлаш, уларни янги ғалаба ва марралар сари даъват қилиш мақсадида "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони таъсис этилгандир.

"Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони жаҳон чемпионатларида, Олимпиада ўйинларида ва уларга тенг жаҳон спорт анжуманларида ғолиблик-чемпионлик унвонига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шон-шуҳратини улуғлашга ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Ҳозирги кунга қадар юзлаб юртдошларимиз давлатимизнинг ана шу юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Бу улкан эътибор, ўз навбатида, Ватан олдидаги катта хизматлар эътирофи бўлиши баробарида, эл-юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлиги йўлида ёниб яшаш масъулиятини ҳам юклайди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

## БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

*Жиззах шаҳри кўчаларида қатновчи "ISUZU" автобусларининг сони яна 30 тага кўпайди ва бу йўловчилар учун ўзига хос байрам туҳфаси бўлди.*

# Жиззах кўчаларида замонавий автобуслар

— Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга кўрсатиладиган транспорт хизматини тубдан яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган дастурга асосан, шаҳримиз ҳудудида эски транспорт воситалари ўрнига замонавий автобусларда йўловчи ташиш хизматини жорий қилаяпмиз, — дейди Жиззах шаҳар йўловчи ташиш департаменти бошлиғи Баҳодир Пардаев. — Айни пайтгача бундай автобуслардан 165 таси келтирилиб, йўналишлар бўйлаб ҳаракати йўлга қўйилди.

Яқин кунларда шундай автобуслардан яна 70 таси келтирилиши режалаштирилган.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Янги савдо маркази

*Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида Денов шаҳрида лойиҳа қиймати 2,5 миллиард сўмлик "Yubileyniy" савдо маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

Кўплаб турдаги озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари сотилаётган ушбу муҳташам марказда 150 та иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, бу ерга Денов маиший хизмат кўрсатиш коллежи битирувчиларидан 40 нафарга яқини ишга қабул қилинди.

Умуман, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида 75 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Хусусан, энг улуғ, энг азиз айём арафасида 27 та мактаб, 13 та коллеж, 11 соғлиқни сақлаш муассасаси, 6 та болалар спорти иншооти ҳамда 56 та ичимлик суви объекти фойдаланишга топширилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МОДЕРНИЗАЦИЯ

# Фаолият ва муваффақият

*"Nukus Textile" масъулияти чекланган жамияти бундан тўрт йил аввал Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг шуъба корхонаси сифатида иш бошлаган эди.*

Молия муассасаси киритган 21 миллиард сўмлик сармоя ҳисобига бу ерда кенг кўламли модернизациялаш ишлари амалга оширилди.

Корхона фаолият бошлаганидан буён 8,5 миллиард сўмлик маҳсулот, хусусан, замонавий кийим-кечаклар, болалар либослари ишлаб чиқарди. Шундан бир миллион АҚШ долларилик қисми экспортга жўнатилди.

Айни пайтда юздан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхона фаолиятини янада кенгайтиришга жадал киришилган. Қўшимча цехларни ишга тушириш мақсадида 6 миллион АҚШ долларилик маблағ эвазига замонавий ускуналар келтирилди. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан йилига 5 миллион дона тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







*Давлат ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

***қуйидагиларни харид қилиш бўйича танлов эълон қилади:***

- макарон маҳсулотлари;
- гуруч;
- мош;
- ёрмалар (арпа ёрмаси, буғдой ёрмаси, оқланган тариқ (пшено), майдаланган горох);
- 30 фоизли томат паста;
- ёғли ёки ёғ қўшилган 240-250 граммли балиқ консервалари;
- витаминга бой бўлган препаратлар (наъматак мевасидан тайёрланган сироп, «Шарқ табиби» бальзами концентрати, глюкозали 0,5 аскорбин кислотали таблеткалар № 10, Ундевит (Гексавит) № 50 драже);
- казарма шиппаклари (тапочки).
- яшил рангли астарли мато.

***Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.***

***Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.***

***Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин (навбатчи): (8-371) 255-75-12, 255-83-00.***

1430A/845



**«ELITE STARS TEXTILE» МЧЖ**

**ўзи ишлаб чиқараётган қуйидаги маҳсулотларни сотиш учун тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф этади:**

**Калава ип:**
— Nm 34/1 Калава ип;
— Nm 34/1 Калава ип (нестандарт).
**Пахта чиқиндилари:**
— Стандарт - I (мычка);
— Стандарт - 3 (очёс трёпальный);
— Стандарт - 3/1 (орешек трёпальный);
— Стандарт - 7 (очёс кардный);
— Стандарт - 33 (пух);
— Стандарт - 36 (путанка).

*Маълумот учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз мумкин.*

**Манзил: Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 3-уй. Тел.: (+99871) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.**
**E-mail: uzpsbinvest@gmail.com ва psbinvest@gmail.com**
**Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй. «Elite Stars Textile» МЧЖ**
**тел.: (+99891) 376-25-45. Факс: (8-361) 554-21-10. E-mail: elitestarstextile@mail.ru**

1254R/723



EKF electrotechnica
www.elektrotovar.uz

**ООО «MEGA-ELECTRO» — эксклюзивный дистрибьютор компании ЕКF в Узбекистане**

- Выключатели автоматические, устройства защитного отключения, выключатели нагрузки, устройства защиты от импульсных перенапряжений, таймеры (различное дополнительное оборудование)
- Силовые автоматические выключатели (с электроприводом и без, номенклатурный ряд до 5 000 А)
- Контакторы (контакторы, пускатели, автоматы пуска двигателя)
- Аппаратура измерения (трансформаторы тока) и аппаратура управления (реле контроля фаз, реле промежуточное, кнопки управления, переключатели кулачковые)
- Стабилизаторы напряжения и распределительные устройства
- Силовая аппаратура (предохранители плавкие, выключатели-разъединители, разъемы силовые)
- Корпуса электрощитов и монтажное распределительное оборудование
- Изоляторы высоковольтные
- Электроустановочные изделия и удлинители
- Светотехнические изделия и автоматизация систем освещения
- Частотные преобразователи
- Приводная техника (редукторы, мотор-редукторы, сервоприводы)



Гарантия — 5 лет

**ОПТОМ И В РОЗНИЦУ**

Товар сертифицирован
Лицензия №006196

**Тел. (99871) 150-18-81. Факс (99871) 216-77-74. E-mail: marketing.me@mail.ru, info@megaelectro.uz**

1047R/620


Спорт ● Sport ● Спорт

# Ўсмирларимизнинг муносиб иштироки

*Жорий йилнинг 16 — 24 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз юртимизга қайтиб келди.*

II Осиё ўйинларида қитъамизнинг 45 давлатидан 17 ёшгача бўлган 2,6 мингдан зиёд ўсмирлар ва қизлар спортнинг ўн олти тури бўйича 122 та медаллар жамланмаси учун ўзаро баҳс олиб борди.

Қайд этиш жоизки, Олимпиада ўйинлари тамойиллари асосида ташкил қилинадиган бундай нуфузли мусобақаларда қатнашишнинг ўзи бўлмайди. Чунки унгача, аввало, мураккаб саралаш босқичларидан ўтиш талаб этилади. Ана шу маррани босиб ўтган 64 нафар вакилимиз Нанкинда теннис, стол тенниси, қиличбозлик, енгил атлетика, сузиш, дзюдо, оғир атлетика, ўқ отиш, таэквондо ва баскетбол бўйича қатнашди.

Ўтказилган баҳсларда дзюдочимиз Достонбек Рўзиев ўз вазнида олтин медални қўлга киритган бўлса, яна тўрт нафар дзюдочимиз — Улуғбек Отамуродов, Муҳриддин Мирзаёров (кумуш), Диёра Келдиёрова ва Турсунпошша Нурметова (бронза) совриндорлар қаторидан жой олишди.

Шунингдек, ўқ отиш беллашувида Рефат Гирфанов, таэквондо баҳсларида Ғанижон Хурилбоев ва Динорахон Мамадиброҳимова бронза медалларини қўлга киритди.

— Халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятларимиз Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликлари самараси, деб биламиз, — дейди II Осиё ўйинлари совриндори Диёра Келдиёрова. — Келгусида ҳам бундай юксак эътиборга муносиб бўлиб, Ватанимиз байроғини янада баланд кўтариш учун бор маҳоратимизни ишга соламиз.

# Жаҳон чемпионатига қуръа ташланди

*Жорий йилнинг 17 октябрь — 8 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликлари футбол бўйича ўсмирлар (U 17) ўртасидаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади. Куни кеча Абу-Даби шаҳрида мазкур нуфузли мусобақага қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.*

Маълумки, ўсмирлар мундиалида 24 давлат вакиллари бош соврин учун кураш олиб боради. Улар орасида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам бор. Дилшод Нуралиев шогирдлари жаҳон чемпионати йўлланмасини ўтган йили Эронда ташкил этилган қитъа биринчилигида қўлга киритишган эди.

Қуръа натижасига кўра, ҳамюртларимиз "С" гуруҳидан жой олди. "Плей-офф"га чиқиш учун футболчиларимиз Хорватия, Марокаш ва Панама мамлакатларидан келадиган тенгқурлари билан куч синашишади.

Биласиз, бундан аввалги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2011 йили Мексикада ўтказилган мундиалда иштирок этган. Ўшанда ажойиб ўйин кўрсатган ёш футболчиларимиз мусобақанинг энг кучли саккиз жамоасидан бири бўлишганди. Мухлису мутахассислар бу гал ҳам вакилларимизнинг имкониятини юқори баҳолашмоқда.

Қолган гуруҳлар қуйидагича кўриниш олди:

**"A" гуруҳи:** БАА, Гондурас, Бразилия, Словакия.

**"B" гуруҳи:** Уругвай, Янги Зеландия, Кот-д'Ивуар, Италия.

**"D" гуруҳи:** Тунис, Венесуэла, Россия, Япония.

**"E" гуруҳи:** Канада, Австрия, Эрон, Аргентина.

**"F" гуруҳи:** Мексика, Нигерия, Ироқ, Швеция.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

● Реклама ва эълонлар ●


**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган (11 яшаш хонаси, ертўла, айвон, ҳаммом, дарвозахона), ички ва ташқи қисмлари замонавий усулда таъмирланган, 2 қаватли тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 710 997 164 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Ғиждувон тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2011 йил 12 сентябрдаги 20-1101/13257-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғиждувон тумани, Зафаробод қўрғонида жойлашган, қурилиш майдони 1402,0 кв.м.дан иборат бир қаватли бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 423 969 303 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 17 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТБ «Турон» банки Бухоро вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1428A/1453



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Наманган вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Наманган шаҳри СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 февралдаги 16-1105/19789-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган, Наманган вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компаниясига тегишли, фойдаланиш майдони 1136,35 кв.м., қурилиш ости майдони 1214,76 кв.м. бўлган «Боулинг клуби» бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 783 145 089 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 17 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1429A/1453


Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" телерадиоканали ёпиқ акциядорлик жамияти жамоаси овоз режиссёри Убайдулла Муҳамедовга волидаи муҳтарамаси
**ТУРСУНОЙ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси Педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Анвар Наримовга волидаи муҳтарамаси
**ФОТИМА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Ҳурматли юртдошлар!*

# «АСАКА» банки (ОАЖ)

**сизларни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади.**

## «МУСТАҚИЛЛИК — 2013»

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилган(12 ой)дан сўнг берилади.*

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 221-80-67 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

*Хизматлар лицензияланган.*

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

1442R/15

Реклама ўрнида

# KAFOLAT

**Davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi (OAJ) жамоаси**

**қалби меҳр-муҳаббат, эзгулик ва саховатга тўла халқимизни муборак сана —**

## Истиқлол

**байрами билан чин дилдан муборакбод этади!**

*Сиз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик тилайди. Мамлакатимиз осмони мусаффо, эл-юрт тинчлиги абадий бўлсин!*



**БАРЧА ТУРДАГИ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ**

Манзил: 100017, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5.
Тел.: (+99871) 239-48-81. Факс: (+99871) 239-46-40.
http://www.kafolat.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

1445R/643

# «Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати

*меҳнат жамоаси*

*серқуёш Ўзбекистонимиз халқини мамлакатимизнинг*

## *Мустақиллик куни*

*билан самимий қутлайди!*



*Барчага сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларида улкан зафарлар тилайди!*

1451R/111

ХОАТБ «InfinBank» барча ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги билан чин дилдан табриклайди!



Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

InfinBANK

1450R/813

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.10 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5